

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**SYMBOLIC EXPRESSION OF SOCIAL AND POLITICAL CRISES IN THE STORIES OF ZAKARIA TAMERA****Shakhnoza M. Gaipova**

Lecturer, Department of Foreign Languages,
University of Journalism and Mass Communications of Uzbekistan
shakhnoza.makhmud@gmail.com
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: story, plot, symbol, symbolism, genre, modernism, socio-political crisis, political process, symbolic image.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article examines the fundamental changes and innovations in Syrian literature influenced by the political and social situation in contemporary Syria. In particular, the work of Zakaria Tamer, who lived and worked during this period and contributed to the development of modern Syrian literature, along with a number of other renowned writers, reflects sociopolitical crises through artistic symbolism.

ЗАКАРИЯ ТАМЕР ҲИКОЯЛАРИДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ИНҚИРОЗЛАРНИНГ РАМЗИЙ ИФОДАСИ**Шаҳноза М. Гаипова**

Хорижий тиллар кафедраси ўқитувчиси,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети
shakhnoza.makhmud@gmail.com
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: ҳикоя, сюжет, рамз, рамзийлик, жанр, модернизм, ижтимоий-сиёсий инқироз, сиёсий жараён, рамзий образ.

Аннотация: Мазкур мақолада замонавий давр Суриядаги сиёсий вазият ва ижтимоий ҳолатлар таъсирида Сурия адабиётидаги кескин ўзгаришлар ва янгиликлар хусусида сўз юритилади. Хусусан, шу даврда яшаб ижод этган ва янги давр Сурия адабиёти ривожига бир қанча машҳур адиблар қаторида ўз ҳиссасини қўшган Закария Тамер ижодида ижтимоий-сиёсий кризисларнинг бадиий рамзлар орқали акс этиши ўз аксини топади.

**СИМВОЛИЧЕСКОЕ ВЫРАЖЕНИЕ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИХ КРИЗИСОВ
В РАССКАЗАХ ЗАКАРИИ ТАМЕРА****Шахноза М. Гаипова***Преподаватель кафедры иностранных языков,**Университет журналистики и массовых коммуникаций Узбекистана*shakhnoza.makhmud@gmail.com*Ташкент, Узбекистан***О СТАТЬЕ**

Ключевые слова: рассказ, сюжет, символ, символизм, жанр, модернизм, социально-политический кризис, политический процесс, символический образ.

Аннотация: В данной статье рассматриваются кардинальные изменения и нововведения в сирийской литературе под влиянием политической и социальной ситуации в современной Сирии. В частности, творчество Закарии Тамера, жившего и работавшего в этот период и внесшего вклад в развитие современной сирийской литературы, наряду с рядом известных писателей, отражает социально-политические кризисы через художественные символы.

Кириш. Адабиёт – Миллат кўзгуси. Ҳар бир давр адабиёти ўз даврининг ижтимоий, сиёсий, маданий, иқтисодий ҳаёти ҳақида сўзлайди. Реалистик адабиёт намояндалари ҳаёт ҳақиқатига монанд сюжетларни яратар эканлар, ҳар бир замоннинг ўзига хос ютуқлари, гўзалликлари билан бирга инкирозли, заиф жабҳаларини ҳам тасвирлайдилар. Умумжаҳон адабий алоқалари таъсири натижасида Сурия ҳикоянавислигига Ғарбда пайдо бўлган модернизм ҳамда экзистенциализм фалсафий йўналишлари бадиий тафаккур доирасида катта таъсир кўрсатди. Шу аснода XX аср иккинчи ярмида ижод қилган Сурия ёзувчилари замонавий оқим ва бадиий ифода услубларидан оқилона фойдаланган ҳолда араб халқининг ўзига хос дунёқараши, миллий хусусиятлари, турмуш тарзи, қадриятлари, ва ҳаттоки, диний ўй-фикрларининг аҳамиятли жиҳатларига мутаносиб бўлган янги ҳикоя ва новеллалар яратдилар. Ана шундай янги тамойилларни яхши ўрганиб, ўзлаштирган, ўз ижодий фаолиятида кескин ўзгаришлардан унумли фойдаланган ёзувчилар саналмиш Жўрж Салим (1933), Гада ас-Самман (1942), Валид Ихлосий (1935) ҳамда Закария Тамер (1931) Сурия ҳикоянавислигида ўзига хос янги услубларга асос солдилар. Уларнинг асарлари ҳам шаклан, ҳам моҳиятан ўзгариб янгиланди, ўзида модернистик унсурларни намоян этди. XX аср иккинчи ярмида Сурия адабиётидаги ўзгаришлар, адабий жараёндаги янгиланишлар, анъанавий реализмнинг ўзгача тус олиши, янги кўринишлари ва ривожланиш тамойилларини аниқлашга, тушунишга ҳамда уларни бир-биридан ажрата билишга ёрдам

беради, адабий муҳитни тасаввур қилишга имкон яратади. Ёзувчилар фақатгина ижтимоий адолатсизлик мавжудлигини қаламга олмасдан, балки унга қарши курашиш йўллари ҳам кўрсатиб бердилар. Сурия ёзувчилари халқ қашшоқлиги, азоб-уқубатларини дард билан тасвирлаб, айниқса, болалар ҳақида алоҳида куюнчаклик билан ёзадилар. Аёллар тақдири ва уларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида ҳам қайғуриб, аёллар эркини ҳимоя қилишга уринадилар. Демократ-ёзувчилар оддийгина “кичкина одам” эмас, балки ўзига нисбатан раҳм-шавқат ва ачиниш ҳиссини уйғотмайдиган, курашга тайёр сиёсий фаол бўлган қаҳрамонни излайдилар (Ақбарова, 2003, р. 15).

Юзага келган янги адабий муҳит шароитида Замонавий Сурия адабиётидаги бадиий тафаккурнинг бир тизимдан экзистенциализм фалсафаси билан йўғрилган моҳиятан янги бир тизимга ўтишга бўлган саъй-ҳаракати жараёнида Закария Тамер ижодида, айнан унинг новеллистикасидаги рамзийлик, яъни ўзига хос рамзлар тилини ўрганиб, таҳлил қилиш билан З.Тамернинг Сурия адабиётига қўшган ҳиссаси долзарб аҳамият касб этишини кўра оламиз.

Асосий қисм. Мазкур тадқиқот иши “ҳаёт гўзалликлари ва даҳшатлари куйчиси” (Ақбарова, 2006, рр. 48-52) номи билан эътироф этилган Сурия ёзувчиси Закария Тамер ҳам ўз ҳикояларида араб халқининг ўзига хос дунёқараши, миллий хусусиятлари, турмуш тарзи, кадриятлари, диний ўй-фикрларининг аҳамиятли жиҳатларига мутаносиб бўлган мавзуларни кўтарди. З.Тамер Сурия аҳолисининг кўп қисмини ташкил қилувчи қашшоқ эркак ва аёлларнинг хомуш ва чегараланган ҳаётини, борлигини ўз ижоди орқали кўрсатиб беришни асосий мақсади деб билади. Адиб ўз асарларида жамият ҳаёти ва мамлакатдаги сиёсий ҳолатни танқид остига олади. З.Тамернинг танқиди рамзий ёки очиқ кўринишда намоён бўлади. Унинг услуби аччиқ сарказм билан кучли ҳужумнинг аралашмасидан иборат бўлиб, ўта қўпол кўринишга эга эмас. Ёзувчи ўз асарларида ҳаётий араб воқеа-ҳодисаларини ўрганиб, уларнинг сабабларини ҳал қилишга интилади. Тамер ҳар кунги ҳаётнинг нормал ва таниш қирраларини ўзгача кўринишларда тасвирлаб, оддий ҳолатларнинг нотабиий жиҳатларини кўра билади.

Кўпгина араб ёзувчилари каби унинг ҳам диққат марказида уруш ва тинчлик, халқ осойишталиги, қолоқлик ва қашшоқлик, жаҳолат, жамиятни қайта қуриш ва оддий халқ муаммолари туради. З.Тамер жамиятнинг қуйи табақаларидан чиққани боис араб қашшоқ аҳли ҳаётини яхши ҳис қилган ҳолда ўзининг андухли лирик ҳикояларида оддий одамларга нисбатан куюнчаклиги, ҳамдардлиги, улар ғамларига нисбатан бепарқ эмаслигини, аксинча, бу борадаги ўз ташвишларини ифодалайди.

З.Тамер қаҳрамонларининг олами мураккаб. Уни мутафаккир санъаткор сифатида араб оламининг зиддиятли муаммолари – ижтимоий келишмовчиликлар, шахс эркинлиги,

замонавий инсон онгининг кризиси ва бошқалар қизиқтиради. Албатта, З.Тамер бу мавзуларни ёритган биринчи адиб эмас. У яратган асарларнинг бадиияти ва борликни кузатиш шакли билан китобхонлар ҳамда мунаққидлар эътиборини ўзига жалб қилади. Мисрлик танқидчи Сабри Ҳафиз адиб З.Тамер ҳақида: “Бу ёзувчи ҳаётдаги ўрнини тинимсиз меҳнат орқали эгаллар экан, дунёга ғалати, ҳайрона кўзлар билан нигоҳ ташлайди, кўпчилик кўролмаган нарсаларни кўради. У ҳаётни бошқача, одат тусига киргандан кўра ўзгача мушоҳада этади. Бу – қип-яланғоч, жароҳатли қалб мушоҳадасидир (Akbarova, 2009, p. 57)”, дейди.

Сурия жамиятидаги мавжуд муаммоларни санаш билан чекланмай, балки ўз қаҳрамонларининг ички дунёсига чуқур эътибор қаратиш, уларнинг ўраб турган борлик билан фожеали ва зиддиятли муносабатларини ёритиш Тамер ҳикояларига хос бўлган хислатдир.

Ўтган асрнинг 60-80-йилларида Суриядаги мураккаб сиёсий жараёнлар, ижтимоий-сиёсий кризис адиб ижодида ўзининг рамзий ифодасини топди. З.Тамер ўзининг шу даврдаги ҳикояларида аёллар ҳамда уларнинг жамиятдаги ўрни (“Ранда”, “Қорасоч Фотиманинг ўлими”, “Ой чехраси”), мамлакатда ҳукм сурган сиёсий тузум натижасида юзага келган сиёсий кризис (“Йўлбарслар ўнинчи кунда”), шунингдек, янги етишиб келаётган авлод – болалар тақдири (“Ранда), улар ҳаётидаги “буллинг” (“Ҳалок бўлаётган чиройли ва ёш Юсуф”) масалаларини рамзий образлар орқали тасвирлайди. Адиб қафас, йўлбарс, ҳайвон ўргатувчи, ой, шамол, дарё каби табиат унсурлари ва ҳодисалари, ҳайвонот олами ва паррандалар, ўсимлик дунёси, предметлар олами ва ранглар орқали очик айтолмаган самимий ва кескин фикрларини рамзий ифодлайди. З.Тамер услубига кўра, жамиятда мавжуд озодлик ва қарамлик, яхшилик ва ёвузлик, гўзаллик ва даҳшат, ҳайрат ва кўрқув каби бир-бирига зид тушунчалар маҳорат билан ёнма-ён қўйилиб нисбий ва рамзий образлар орқали шаклга солинади.

“Йўлбарслар ўнинчи кунда” ҳикоялар тўпламидан жой олган худди шу номли ҳикоясида қафасга тушиб қолган мағрур ва эрксевар йўлбарс билан уни қўлга ўргатувчи шахс ўртасидаги қарама-қаршилик тасвири келтирилади. Биринчи қарашда йўлбарс, қафас, ҳайвон ўргатувчи ва шогирдларининг оддий реалистик тасвирини кўраётган китобхон, бора-бора персонажларнинг хатти-ҳаракатларидаги, айниқса, йўлбарснинг ўзини тутишидаги “ғалати” деталлар ва тасвирлар билан тўқнаш келади. Мана шу “ғалатилик”ни тушуниш мақсадида ўқувчи йўлбарс, қафас, ҳайвон ўргатувчи ва бошқа қаҳрамонлар образида санъаткор онгининг аллегорик ҳамда метафорик тус олганлигини англаб этади.

Ҳикояда қафас қарамлик, озодсизлик ва зўравонлик рамзи бўлиб, бошида йўлбарс ўз киролик нуфузини сақлаб қолиш учун ғурур билан озодликка чиқишга астойдил ҳаракат

килади. “Ҳеч кимнинг йўлбарсга буйрук беришга ҳаққи йўк” – дея, қафасдан туриб хитоб қилиб, ўз норозилигини билдиради. Ҳар қанақасига ҳайвон ўргатувчисига бўйсунидан бош тортаётган баҳайбат ва ўжар, мағрур ва кучли йўлбарс ўн кунлик оч ўтиришдан сўнг мушукдай юввош бўлиб қолади. У нафақат ҳайвон ўргатувчисидан ўзи таом сўрашга, балки энди ўт-ўланларни ейишга ҳам рози, мушукка ўхшаб “миёвлаш”га ҳам тайёр ва ҳатто ҳайвон ўргатувчисининг қўлидан овқат ейишга қаршилик билдирмай, жимгина бош эгади.

Китобхонга ҳайвонларни қўлга ўргатувчи шахс образи зулм ва бюрократик зўравонлик, одамларни ҳур ва озод, бахтли ва осуда ҳаёт кечиришларига ҳалакит берадиган барча нарсалар билан ҳамоҳанг келади. Ҳайвон ўргатувчисининг йўлбарс билан олиб борган ўн кунлик кураши. ноҳақ ва нотўғридир. Муаллиф қафас ташқарисида қўлида таёк билан турган ҳайвон ўргатувчисининг пасткашлигини тасвирлашда бўёқларни аямайди. У кучли ва мағрур ҳайвонни нафақат оч қолдиради, балки ҳар куни уни қийнаб, ҳар қанақасига пастга уради.

Ҳикоя “Ўнинчи кунда ҳайвон ўргатувчиси ва унинг шогирдлари ҳам, йўлбарсу қафас ҳам кўздан ғойиб бўлишди. Йўлбарс менинг ҳамюртимга, қафас эса шаҳарга айланди” жумлалари билан яқунланаркан, яқуний хулоса чиқаришни адиб китобхоннинг ўзига қўйиб қўяди.

Ёзувчининг дунёқараши билан тўлиб-тошган адабий рамзларнинг хусусияти шундан иборатки, ёзувчи қаламидан чиқиши биланоқ, ўқувчиларда ҳар хил талкинларни уйғотиб, мустақил ҳаёт кечира бошлайди. Ҳикоядаги ҳайвон ўргатувчиси образи ўқувчида салбий туйғу уйғотса, йўлбарс образига бўлган муносабат турфа бўлиши мумкин. Бир томондан, киши қалбида ноҳақ вазиятга тушиб қолган йўлбарсга нисбатан раҳм-шафқат ва ачиниш ҳисси туғилса, бошқа бир томондан эса, ўн кун ичида “ҳайвонлар кироли” ўз нафси қулига айланиб, кучли ва салобатли махлукқа хос бўлмаган равишда тез ва осон таслим бўлиб, инсонга бўйсунди. Китобхон ўз ҳаёлида оғир ва шиддатли кураш манзарасини чиза бошлайди ва аянчли олишувни кутади. Ҳаттоки йўлбарснинг ўлимини тахмин қила бошлайди. Бироқ “яшаш учун кураш” кетаётган бир паллада мағрур ва бақувват ҳайвон енгилади. Ҳаттоки курашмасданоқ енгилади.

3. Тамернинг борлиқ олдиндан фожеага маҳкумлигини кўрсатиб берувчи муаммони ёритишидаги ғамгин позициясини ҳикоядаги шогирдлар йиғма образи тасдиқлаб беради. Улар кўзи олдида ўн кун давомида адолатсизлик ва зулм борасида дарс ўтилади, аммо ҳеч бир лавҳада оламнинг таъсирлангани тасвирланмайди. Ҳикояда улар на қаршилик кўрсата олишга ва на раҳм қилишга қодир абстракт субстанция рамзи сифатида намоён бўладилар (Ақбарова, 2003, р. 16).

Ҳикоядаги қафас универсал рамз бўлиб, бу ерда у адибнинг она шаҳри – Дамашк тимсоли сифатида намоён бўлади. Аниқ ва очик ҳолда адиб қафасни ўз Ватанига ўхшатади. Йўлбарс эса Тамернинг ҳамюрти, яъни сурияликлар тимсоли, ҳайвон ўргатувчиси билан унинг шоғирдлари давлат ҳокимияти рамзидир. Бу билан ёзувчи ўша даврда Сурияда ҳукм сурган сиёсий ва ижтимоий аҳволга ишора қилиб, жуда ўткир ва нозик мажозий образлар билан реал ҳаётини воқеликни баён қилади.

Ўзининг “Ой чехраси”, “Қора сочли Фотиманинг ўлими” ва “Ранда” номли ҳикояларида З.Тамер инсон атрофидаги оламни фалсафий англаш мақсадида кўпинча экзистенциал кайфиятдан илҳомланган ва таъсирланган. Ёзувчининг поэтик олами мураккаблашиб, конкретликдан умумийлик, рамзийлик томон ривож топади, бой ифодавий воситалар маъно ва мазмунга янада аниқлик ва гўзаллик баҳш этади.

З.Тамернинг “Ҳалок бўлаётган чиройли ва ёш Юсуф” номли ҳикояси беозор ва беайб бир болачанинг адолатсиз вазият қурбонига айланиши ҳақидадир. Ҳикоянинг ўзига хос, бетакрор хусусияти шундаки, адиб бош қаҳрамонига Юсуф исмини бериб, асар сюжетини яратар экан, бевосита пайғамбарларимиздан бири бўлмиш Юсуф (а.с.) ҳақидаги Қуръону Каримда келтирилган қиссага яққол ишора қилади. Мазкур ҳикояни ўқиб, мағзини чақиш учун, аввало, “Юсуф қиссаси” ҳақида маълумотга эга бўлишимиз керак бўлади.

Ҳикояда қашшоқ оиладан чиққан Муҳаммад ва Салим исмли икки безори бола нуфузли ва ўқимишли оила вакили Юсуфга нисбатан ғайирлик ҳисси билан уни алдаб-сулдаб, унинг соддалигидан фойдаланиб, онгли равишда Юсуфни чўктириб юборади.

Ҳикоя ранглар рамзи билан ҳам йўғрилган. Муҳаммад билан Салим чизмоқчи бўлган оқ деворли уй эгаси Юсуф улар билан астойдил дўст бўлишни хоҳлаб, уларга эргашади. Адиб Юсуфнинг портретини чизар экан, унинг уст-боши, бежирим тоза кийими ва сочларининг силлиқ таралганини тасвирлаб, унинг ўзига тўқ оиладан эканлигини, Юсуфнинг ҳатти-ҳаракати ва одобидан эса унинг яхши тарбияланганлигини кўрсатади. Икки безори эса Юсуфнинг бутунлай акси.

Муқаддас китобимизда келтирилган “Юсуф қиссаси”даги Юсуфнинг ҳасадкор акалари З.Тамер ҳикоясидаги ўша икки безори бола образларида ўз аксини топади. Асл манбаада акалари Юсуфни ҳар хил ҳийла-найранглар билан саҳрога олиб қочиб, қудуққа улоқтирсалар, Тамер ҳикоясида Муҳаммад билан Салим Юсуфнинг сузишни билмаслиги устидан кулиб, уни атайин дарёга тушишга мажбур қилишади. Оқибатда бола чўкиб ҳалок бўлади. Икки бола эса содир бўлган воқеадан ҳечам таъсирланмасдан индамай орқага қайтиб кетишади. Ҳикоя ана шундай ғамгин ва ачинарли оҳангларда яқунланаркан, китобхон қалбида балки Юсуф тирик қолгандир, деган умид пайдо бўлади. Лекин адиб масаланинг бошқа томонига ҳам диққатимизни жалб қилиб, жамиятдаги қуйи ва юқори

табақа вакиллари ўртасидаги доимий тўқнашув ва зиддиятларни мана шу образлар орқали моҳирона тасвирлаб беради. Бу ўринда у қашшоқлик ва саводсизлик нақадар хавфли ва аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини баён қилади. Инсониятнинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечирishi ҳақидаги орзулари ва унинг рўёбга чиқishi ўртасидаги узилиш оқибатида инсондаги яхшилик аломатларини ўлдириб бораётган борлиқни қаттиқ қоралайди ва унга қарши ички кураш бошлайди.

Асар тили ва кайфиятидан адибнинг ўз қахрамони Юсуфга нисбатан меҳр кўзлари ва симпатия билан боқishi сезилиб туради. Гўёки унинг ўзи ҳам Юсуфнинг фожеали қисматида ҳафа ва аламда. Бироқ ҳамиша аччиқ ҳаёт ҳақиқатини кўрсатишга интиладиган З.Тамер руҳиятида пессимизм устун келади. Агар эътибор билан ёзувчининг ижодини кузатсак, унинг кўп ҳикоялари қутилмаганда фавқуллодда вазият билан яқунланади. Бу билан у биз – китобхонларни ҳаётдан, реал борлиқдан узоқлашмасликка ва тақдирнинг турли хил “совға”ларига тайёр туришга чақиради, кучли бўлишга ва теран фикрлашга чорлайди.

З.Тамернинг “Ранда” ҳикояси Ранда исмли қизчанинг ҳаёлот оламида парвоз этиб, турли хил воқеа-ҳодисалар ривожда сабоқ чиқариб улғайishi, орзу-умидлари ва идеалларининг реал ҳаёт ҳақиқати томонидан пучга чиқарилиши, аччиқ реал борлиқ билан юзма-юз келиб тўқнашиши, араб қизининг жамиятдаги ўрни, аёл зотининг аччиқ қисмати ва тақдир деб аталмиш ҳаёт чархпалагининг унга тайёрлаб қўйган мураккаб синовлари ҳақидадир. Ҳикоянинг таъсир кучи ва бадиий гўзаллиги шундан иборатки, З.Тамер Рандани шунчаки табиат кучоғига сайр қилишга чорламайди, балки унинг табиат унсурлари, ҳайвонлар ва қушлар, предметлар олами билан ўзаро мулоқоти, баҳс-мунозаралари, табиат манзаралари ва ҳодисалари орқали мураккаб ҳаётини масалалар оламига олиб киради. Рандани эҳтиёткорлик билан, баъзан эса қутилмаган ҳолларда зиддиятли вазиятларга рўбарў қиладик, бундан Ранда ўзи учун сабоқ олсин дея. Шу йўл билан З.Тамер ўз қахрамони Рандага, Ранда орқали эса ўз ўқувчиларига табиат қонунларидан сабоқ беради.

Ёзувчи мазкур ҳикояда Ранда образи орқали бутун инсониятга мурожаат қилиб, одамларни табиат билан бир тўлқинда парвоз этишга ундайди, айнан табиат орқали ҳаётни ўрганишимиз мумкинлигини таъкидлайди. Шу ўринда машҳур юнон файласуфи Аристотелнинг адабиётга берган таърифи, яъни “табиатга тақлид” фикри ўринли келади. Адабиёт – ҳаётнинг сўзлар орқали ижодкор қалами ва маҳорати ила қоғозда акс этиши экан, ҳаётнинг ўзи табиатнинг инъикосидир.

Тамер ҳикояда бир неча бор очлик ва қашшоқлик мавзусини ёритади. Бу ўринда ҳикоядан жой олган қушча билан мушук воқеаси аҳамиятлидир. Унга кўра Ранда йиғлаб турган қушчадан уни мушук емоқчи бўлганини эшитиб, мушукка нисбатан ғазабланади.

Аммо адиб ҳикояча сўнгида Рандани оч мушук билан учраштиради ва натижада Ранданинг ғазаби раҳм-шафқат ва ачиниш ҳисси билан алмашади. Таъсирчан бу воқеа орқали адиб мушукни оқлагандай кўринади. Аслида эса ёш қизалоқнинг раҳмдиллиги, ишонувчанлиги ва соддалигини кўрсатиб беради. Ранданинг қуёш билан қилган бир суҳбатидан қизалоқнинг камбағал оиладан эканлигини билиб олиш мумкин:

الشمس قالت:

– ساخنا حليباً أريد. جائعة أنا –

رندا قالت:

– صباحاً الحليب نشرب لا نحن و فقراء أهلي –

صباحاً الحليب نشرب لا نحن و فقراء أهلي (Tamer, 1981, p. 90).

Қуёш деди:

– Мени қорним оч, иссиқ сут ичгим келаяпти.

Ранда деди:

– Оилам фақир, биз эрталаблари сут ичмаймиз.

Ачиниш ва афсусдан қуёшнинг ранги бўзариб кетди.

Хулоса қилиб айтганда, ўзининг янгича услубдаги ҳикоялари билан Сурия халқи ҳаётини тасвирлаб берган адиб З.Тамер ҳамиша адолат ва эзилган халқнинг бахтли ҳаёт кечириши тарафдори бўлсада, ҳаётнинг иллатли томонларини очиб беришга ҳаракат қилади. У оламни фожеали қабул қилади ва ҳар бир ҳикоясида инсониятни қийнаётган муҳим ва жиддий муаммолар масаласида бош қотиради. Зиддиятларни тасвирлар экан, уларни олдини олиш кераклигига ишора қилади.

Ўғул ва ўзига хос бадиийлик ва рамзийлик ёзувчининг чуқур ахлоқий изланишларига путур етказмайди, балки адибнинг юксак ҳис-туйғуларга бўлган илиқ муносабатини кўрсатиб беради. Ўз ҳикояларида Закария Тамер адолатсизликка, зулм ва адоватга, қашшоқлик ва тенгсизликка яққол қаршилик билдириб, инсоният жамяти яшаши керак бўлган ахлоқий қонун-қоидаларни сақлаб қолишга чақиради.

Закария Тамер ўзининг янги бадиий тасвир услубини, яъни рамзлар тизимини яратди. У ўз асарларида универсал рамзлар, шахсий рамзлар, тарихий сюжетларни рамзийлаштириш усули, инсон руҳиятининг зехний инстинктларига чуқур эътибор қаратиш каби янги усулларни самарали қўллайди. Тамер нафақат самимий ва бефарқ санъаткор, балки шу яқин кунларга қадар ҳикоянинг араб китобхонига нотаниш бўлган янги типини яратган адибдир. Унинг ҳикояларида реализм фантастик образлар, мистика ва эртак элементлари билан чиройли тарзда уйғунлашади.

Адибнинг бадий-субъектив олами жуда бой бўлиб, асарлари ўзининг маънодорлиги, гўзаллиги ва замонавийлиги билан ажралиб туради. З.Тамер ўз асарларида рамзлардан самарали фойдаланар экан, рамзларнинг мазмуний функциясини ўзгартиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Akbarova, M.Kh. (2003). The world of Zakariya Tamer's heroes. Mir geroev Zakarii Tamera. – Tashkent: Vostokovedenie, (1-2). (in Russian)
2. Akbarova, M.Kh. (2006). Zakariya Tamer – singer of life's beauty and horrors. Zakariya Tamer – hayot go'zalliklari va dahshatlari kuychisi. – Tashkent: Sharqshunoslik jurnali, (1). (in Uzbek).
3. Akbarova, M.Kh. (2009). Modern Arabic literature (19th–20th centuries). Yangi davr arab adabiyoti (XIX–XX asrlar). – Tashkent. (in Uzbek)
4. Khojaeva, R.U. (2004). History of modern Arabic literature (Part 1). Yangi davr arab adabiyoti tarixi (1-qism). – Tashkent: TDSHI. (in Uzbek)
5. Mukhiddinova, D.Z. (2008). Evolution of artistic thinking in the stories of George Salim. Jo'rij Salim hikoyalarida badiiy tafakkur evolyutsiyasi. (Abstract of PhD dissertation). – Tashkent. (in Uzbek)
6. Sulton, I. (2005). Theory of literature (3 volumes). Adabiyot nazariyasi (3-nashr). – Tashkent: O'qituvchi. (in Uzbek)
7. Tamer, Z. (1981). Tigers on the tenth day. Al-numur fi yawm al-'ashir. – Beirut: Dar al-Adab. (in Arabic).